



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 16 октябрь, сешанба №161 (1175)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ХАЛҚЛАР ИРОДАСИ БУКИЛМАСДИР

11 сентябр воқеалари дунёни ўзгартирди. Аммо уни террористлар хоҳлаганидек ўзгартира олишмади. Дунё на миллат, на давлат чегаралари ва на диний эътиқодларни тан оладиган халқлар терроризмни поймол этиш иштиёқиди янада жипслашди ва бирлашди.

Террористларда жаҳон ҳамжамиятининг иродаси ва руҳини, унинг тинчлик ва осойишталикда яшаш истagini енгилга ҳеч қандай имконият мавжуд эмаслигига шубҳа йўқдир.

Айниқса, террористлар жаҳон бошқа диндаги кишиларга қарши олиб борилаётганлигини эшитганида кишининг қалби ғулувга бота бошлайди. Табиий савол туғилади: «Садоқатсиз»ларга қарши қандай уруш ҳақида гап кетаяпти? Ахир Курьонда, Инжил-у, Талмудда ва Ведахларда асосий тамойил «ўлдирма» деб келтирилади-ку. Ҳеч бир динда ўзинга ўхшаганларни ўлдириб керак деб айтилмайди.

Бизга яқин ва узоқ бўлган Америкада, Жаҳон савдо маркази вайроналари остида, ёши ва миллати ҳамда

она сути билан симирган инсонлар ҳаётига зомин бўлишди. Ватандошларимизнинг севиб, севиладиган, атрофдагиларга олам-олам қувонч ҳада этидиган ва ота-оналарни ардоқлай оладиган энг гўзал бир ёшда ҳаётдан кўз юмишлари, сўзсиз, нафақат бизнинг, балки АҚШнинг кўнглида ҳам дард ва алам туйғусини уйғотади.

Шу муносабат билан 12 октябрь куни АҚШ Президенти Жорж Буш Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримовга қуйидаги мазмунда мактуб йўллади:

«Мен Америка халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига 2001 йил 11 сентябрдаги террористик хуруж муносабати билан билдирган самимий ҳамдардлик ва ташвишларингиз учун миннатдорлик билдираман. Бу ваҳший ҳаракатлар озодлик ҳамла бўлди ва барча тараққий этган халқлар учун оғохлантурувчи омил бўлиб хизмат қилди.

Америкаликлар вай-

роналар келтирган ушбу воқеалардан сўнг мамлакатингиз ўзининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини билдирганидан миннатдордирлар. Шахсан мен ҳам Сиз билан телефон орқали бўлган суҳбатимиз чоғида изҳор этилган самимий ҳамдардликнингиз учун миннатдорман. Шунингдек, мен Сизга ва халқингизга ушбу даҳшатли хуружда Ўзбекистондан ҳам одамлар ҳалок бўлганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирмоқчиман. Давлат департаментининг ахборотига асосан, айни пайтда Ўзбекистоннинг икки вакили йўқолган деб ҳисобланмоқда. Америка халқи нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки бутун дунёда оилалар ва биродарлар ўзларининг яқин кишилари учун қайғураётганликларини яхши англайди.

11 сентябр куни озодликка хуруж этилди, аммо озодлик ҳимояланади. Халқимизнинг қадриятлари ва принциплари Афғо-

нистонда, Марказий Осиёда ва бутун дунёда терроризмни ба-тамом йўқ қилишнинг ҳал қилувчи омилidir. Мен мазкур мураккаб даъватга жа-воб қайтаришда Сиз билан ҳамкорликни сабрсизлик билан ку-таман. Кураш балки узоқ давом этар, ле-кин Сизнинг бирда-лингиз ва мададин-гиз бу ишда бизга куч-қудрат ва қатъ-иятлик бағишлайди».

Ҳа, терроризмни бирдан йўқ қилиб бўлмайди. Қанча жўн кўринмасин, бунинг учун бутун дунё ҳам-жамиятининг ушбу йўна-лишдаги аниқ мақсад-лари мавжуд бўлган кучлари бирлашиши ке-рак.

Ўзбекистон жамоат-чилиги ҳалок бўлган ватандошларимизнинг оилалари ва яқинлари-га чуқур таъзия билди-риши яна бир бор од-дий ҳақиқатни тасдиқ-лайди: халқларнинг терроризмга қарши охиригача кураши бўлган иродаси букил-масдир.

«Жаҳон» АА.

САЛОМАТЛИК МАСКАНИ

Қандли диабет касаллигига чалинган беморлар шифокор назоратида бўлиши, тез-тез ва мунтазам муолажа олиб туриши лозим. Самарқанддаги вилоят ички касалликлар диспансери қошида 100 ўринли диабетологик марказ очилгани ана шундай беморлар учун яна бир қулайлик бўлди. Мазкур марказ вилоятнинг барча туманларидан келган қандли диабет хасталигига чалинган беморларга хизмат кўрсатади. Барча муолажалар, даволаш ва профилактика ишлари бепул.

Тожирахим Соттиев номи Олтиарик туманида алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Бу фидойи инсон «Оқбўйра» хўжалигида ўзига хос тажриба мактабини яратди. Бу йил гектаридан 50 центнердан оқ олтин топшириб, бригада аъзолари билан мўмай даромадга эга бўлди. Айни кунларда иноқ жамоа ҳосилдорлиги 60 центнерга етказиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар! Ўз меҳнати билан элимизда шухрат қозонган сиз, пойтахт вилоятининг азамат меҳнаткашларини 275 минг тонналик юксак хирмон яратиб, давлатга пахта сотиш бўйича шартнома-режасини бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу йилги мураккаб табиий шароитда сизлар эришган бу катта муваффақият омилкор деҳқонлар, барча қишлоқ меҳнаткашлари, бутун вилоят аҳлининг биргаликда қилган фидокорона меҳнати натижасидир, десак, ҳеч қандай муболажа бўлмайди.

Замонавий технологиялар, фан-техника ютуқларидан оқилона фойдаланиш борасида ҳамisha ибрат бўлиб келган Тошкент вилояти пахтакорларида келгилкорлик фази-латлари, ерга эгалик ҳисси, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғусининг кучайиб бора-ётгани қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ижобий самара бераётганидан далолатдир.

Айниқса, сизларнинг давлатга қўшимча равишда яна 15 минг тонна пахта сотишга қарор қилганингиз таҳсинга лойиқ.

Ишончим комилки, сиз, ташаббускор ва изланувчан, азами қатъий пойтахт вилояти меҳнаткашлари халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида янги-янги ютуқларни қўлга кири-тиб, мамлакатимиз салоҳиятини, халқимиз фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшасиз.

Мана шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга фойз-баракат тилайман.

Яна бир бор эришган улкан меҳнат гала-бангиз муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИНГ ИЛК ГАЛАБАСИ

Шу кунларда Арманистон пойтахти Ереванда ўтаётган шахмат бўйича жаҳон чемпионатини Ўзбекистон жамоаси муваффақият билан бошлади.

Биринчи турда ўзбекистонликлар Куба шахматчилари билан учрашиб, 2,5:1,5 ҳисобида галаба қозонди. Ҳамюртларимиз жадвалга кўра, иккинчи турни ўтказиб юбориб, учинчи турда украинликларга қарши дونا сурди ва 0,5:3,5 ҳисобда ютқазиб қўйди. Айни пайтда, мутахассисларнинг фикрича, Марказий Осиёнинг шахмат бўйича пешқадамлари бўлган ўзбекистонликлар яна кўплаб ёрқин галабалар қозониши мумкин. Уларнинг чемпионатини ишонч билан бошлагани шундан далолат бе-ради.

(ЎЗА).

«ОМОНТОЙТОВ ГОЛДФИЛДЗ» ИШ БОШЛАДИ

Буюк Британиянинг Oxus Mining рас (Oxus) компаниясининг Ўзбекистондаги «Омонтойтов Голдфилдз» кўшма корхонаси шу йил охирига қадар олтин олувчи заводи ишга туширишни режалаштирляпти. Компания вице-президенти Уильям Чартер «Туркистон-пресс» муҳбирига бу ҳақда маълум қилди.

У.Чартернинг сўзлари-га кўра, Oxus ноябр ойи-да мазкур лойиҳага 13-15 миллион доллар миқ-доридида кредитни жалб этиш тўғрисида тўла-тўқис келишиб олади. Мазкур маблағ лойиҳа-нинг дастлабки босқичи-ни амалга оширишга сарф-ланади. У.Чартернинг эътирофи эътиҳа, жорий йилнинг июл ойида Oxus Марказий Осиёдаги, жу-младан Ўзбекистондаги иккита олтин қазиб олиш лойиҳасини молиялашти-риш учун инвестициялар-ни жалб этишни кўзлаб, ўз акцияларини Лондон фонд биржасига жойлаш-тирди.

Oxus ҳар бири 0,3 фунт стерлинг киймати-даги ҳам 26,6 миллион дона акцияни жойлашти-риб, шу тўғрйли 11,2 миллион долларни жалб этиди. Шундан сўнг ком-пания аудитордан ўтди ва кўшимча қарз маблағла-ри тушиши билан олтин олувчи корхона курили-шини бошлайди. Лойиҳа-ни ўн ой давомидида амал-га ошириш режалаштири-лаётди. Oxus Қизилқум-даги Омонтойтов олтин конини ва Ўзбекистон Жанубий Шарқий худуди-даги Хонжиза рангли ме-талл конини ишлаши учун лицензияга эга.

Компания янги истиқ-болли майдонлар ҳисоби-га «Омонтойтов Голд-филдз» кўшма корхонаси хомашини кенгайтириш режалаштир-моқда. Шу мақсадда Oxus ва Ўзбекистон Геол-огия давлат қўмитаси ўртасида Қизилқумдаги Томдйбулок ва Айроқ каби истиқболли майдон-ларда геология кидирув ўтказиш тўғрисида шарт-нома тузилди.

Қишда чоригингни ташлама, ёзда ўзинг биласан, деб бежиз айтилмаган. Унга амал қилиб ҳар бир ишни ўз муддатида удаалаган эса доғда қолмайди. Утган йилги қиш мавсуми Бекобод шаҳрида истикомат қилувчилар учун энгил кечмаган бўлса-да, мутасадди ташкилотларнинг сай-ҳаракат ва изланишлари натижаси-да ўқув муассасалари, корхона ва таш-килотлар, болалар богчалари-ю, мавжуд шифохоналар ҳамда аксарият хонадонлар газ таъминоти, иссиқ сув, электр энергия-сидан мавсум якунигача тўлиқ баҳраманд бўлишди.

Бирок ширкатлар худ-дидаги айрим хонадон-ларда яшовчилардан ҳақли эътирозлар эши-тишга ҳам тўғри келди. Гап шундаки, шаҳар ичим-лик ва оқва сувлар идо-раси мутасаддилари то-монидан тегишли тармоқлар, станцияларни мавсумга тайёрлашда нуқсонларга йўқ қўйилганлиги сабабли ёмғир ва ташлангил сув-лар ертўлаларда тўпланиб қолганди. Шунингдек, баъзилар эса кишининг қирчиллама чилласида

Долзарб мавзу

ҚИШ ЯҚИН

мавсумга шаймисиз?

Хуш, ўтган йилги кам-чиликлардан қандай ҳуло-са чиқарилди. Жорий йил мавсумига тайёргарлик ишлари қай аҳволда?

Маълумки, ҳозирги кун-да Вазирлар Маҳкамаси-нинг шу йил 17-июндаги 275-қарорига асосан ис-тиш тармоқларини, аҳоли турар-жойларини кузги-қишқи мавсумга тайёрлаш юзасидан қизгин ишлар амалга оширилмоқда. Ху-

(Давоми 2-бетда).



Мана неча кундирки, АҚШ ва Буюк Британия курулли кучлари Афғонистондаги террорчиларнинг истеҳкомларига муваффақиятли зарба бермоқда. Бу ҳарбий ҳаво ҳужумлари террорчиларни ўз пано-ҳига ва мафқуравий ҳимоясига олган «Толибон» ҳаракатига ҳам қучли таъсир этяпти. Сўнгги маълум-отларга кўра, «Толибон»ларнинг назоратида бўлган барча ҳарбий аэродромлар, ҳаво ҳужумига қарши мудоффа тизими бутунлай вайрон қилинган.

Бугунги кунда аксил-террор ҳаракатлари асо-сан Қандаҳор, Қобул, Жа-лолобод, Хирот шаҳарла-рига қаратилган. Маълум-ки, Қандаҳор «Толибон»-нинг гоявий маркази бўлиб, мулла Умар кўпин-ча ўзининг бошқарув ама-лиётини айнан шу ердан олиб боради. Пойтахт Қо-бул 1996 йилнинг сентяб-ридан бери «Толибон» на-зоратидадир. Жалолобод, Хирот, Хост шаҳарлари ҳам уларнинг қўлида бўлиб, бу шаҳарлар тер-рорчилар бемалол ҳара-кат қиладиган маконга ай-лантирилган эди. Утган шанба куни (13 октябрь) АҚШ Президенти Жорж Буш радио орқали халққа мурожаат қилди. Унда Аф-ғонистонда террорчилар-га қарши олиб борилаёт-ган ҳарбий ҳаракатлар-

қилар экан, АҚШ терро-ризмга қарши аёвсиз, му-росасиз ва айни пайтда охиригача кураш бошла-ганлигини алоҳида таъ-кидлади. Шунингдек, АҚШ раҳбари доимий оғохлик, бутун мамлакат бўйлаб ҳушёрликни кучайтириш ҳақида тўхталиб ўтди. Дар-ҳақиқат, АҚШда Сибир куйдиргиси хасталигидан ҳозиргача 8 кишининг ва-фот этганлиги хавотирга

қилинган бўлса-да, дунё миқёсида терроризмга қарши кураш эндигина бошланганини унутмас-лик лозим. Англия бош ва-зирни Тони Блэр аксилтер-ро курашида АҚШ билан ҳамisha бирдам эканлиги-ни яна бир бор ўқитди. У терроризмга қарши ку-рашнинг муваффақиятли олиб борилиши ҳатто Ис-роил-Фаластини можароси-нинг тезроқ тугашига са-

лон халқига қарши қаратил-ган эмас. Бунинг ёрқин да-лили сифатида очлик ва қашшоқликдан азоб чека-ётган Афғонистон халқига ҳаво орқали етказилаётган неча минг тонна озик-овк-ат, кийим-кечак, дори-дар-мон, иссиқ ўтов ва бошқа инсонпарварлик ёрдамла-рини айтиш мумкин. БМТ маълумотларига кўра, ҳозир 1,5 миллион афғон халқи ҳалокат ёқасида ту-

рибди, 7 миллион аҳоли-нинг қишдан омон-эсон чи-қиши муаммо бўлиб қо-лмоқда. Мамлакат худуди-нинг катта қисмини балан-тоғлар эгаллаб олганлиги-ни яхши биламиз. Тоғлар-га қор тушиши билан аҳвол янада оғирлашади. Чунки, ташқи олам билан алоқа қилиш жуда ҳам қийинла-шади. Халқро ҳамжамият ҳужжатларида эътироф қилинишича, 1979 йилдан бери АҚШ Афғонистон ха-

мон халқига қарши қаратил-ган эмас. Бунинг ёрқин да-лили сифатида очлик ва қашшоқликдан азоб чека-ётган Афғонистон халқига ҳаво орқали етказилаётган неча минг тонна озик-овк-ат, кийим-кечак, дори-дар-мон, иссиқ ўтов ва бошқа инсонпарварлик ёрдамла-рини айтиш мумкин. БМТ маълумотларига кўра, ҳозир 1,5 миллион афғон халқи ҳалокат ёқасида ту-

рибди, 7 миллион аҳоли-нинг қишдан омон-эсон чи-қиши муаммо бўлиб қо-лмоқда. Мамлакат худуди-нинг катта қисмини балан-тоғлар эгаллаб олганлиги-ни яхши биламиз. Тоғлар-га қор тушиши билан аҳвол янада оғирлашади. Чунки, ташқи олам билан алоқа қилиш жуда ҳам қийинла-шади. Халқро ҳамжамият ҳужжатларида эътироф қилинишича, 1979 йилдан бери АҚШ Афғонистон ха-

Шарҳловчи минбари

қлига 1 миллиард доллар ҳажмида озик-овқат, дори-дармон, иссиқ кийим ва яшаш учун зарур ашёлар етказиб берган. Маълумки, яқинда АҚШ Президенти афғон қочқорларига инсон-парварлик ёрдами кўрса-тиш учун 320 миллион дол-лар ажратиш ҳақидаги ҳужжатга имзо чеккан эди. Яна бир муҳим воқеа: куни

кеча бўлиб ўтган матбуот анжуманида Президент Жорж Буш Америка бола-ларига мурожаат қилди. 1 америкалик болалар 1 дол-лардан «Афғонистон бола-ри» жамғармасига жўна-тишлари кўрсатилди. Таби-ийки, бу мурожаат аввало инсонпарварликка, эзгу-ликка, мурувватга, адолат-га етаклайди. Бундай қараганда, ҳар бир Аме-рика боласининг 1 долла-ри ҳеч нимадек кўриниши

мумкин. Аммо, Кўшма Штатларда 270 миллион аҳоли бўлса, шундан 50 фоизи ёшлар ва болалар. Тинчликсевар Ўзбеки-стон халқи Афғонистонда тезроқ барқарорлик, осой-ишталик бўлишини хоҳлай-ди. Зеро, Афғонистонда тинчликнинг қарор топши-ти бутун минтақамизда осой-ишталик ўрнатилиши бил-ан боғлиқ.

Шу мақсад йўлида Ўзбекистон Республикаси йирик Фарб давлатлари билан, биринчи навбатда АҚШ билан яқиндан ҳам-корлик олиб бормоқда. Икки давлат ҳукуматлари томонидан қабул қилинган кўшма Баёнотда алоҳида таъкидланганидек, «Биз-нинг ҳукуматларимиз хавф-сизлик ва минтақавий ба-рқарорликни мустаҳкам-лаш ишига узоқ муддатли содиқлигига асосланган сифат жиҳатдан янги му-носабатларни ўрнатишга қарор қилди».

Кобилбек КАРИМБЕКОВ, сибсий шарҳловчи.

КУРАШ ОХИРИГАЧА БЎЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасида 2001 йилнинг биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилиш хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Мухбиримиз Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани ҳоқими Бахтиёр Ражабов билан деҳқон-фермер хўжалиқлари фаолияти хусусида сўхбатлашди.

— Деҳқон ва фермер хўжалиқлари қишлоқ хўжалигимиз иқтисодиётининг, тўқинчилигимизнинг таянчига айланиб борапти, — деди ҳоқим сўз бошида, — бизда 502 та деҳқон ва фермер хўжалиқлари бўлиб, улар иккитирига 5,6 минг гектар ер майдони бириктирилган. Туманимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг деярли учдан бир қисми фермерлар меҳнати билан яратилапти. Кейинги йилларда фермер хўжалиқларини ҳар томонлама мустақамлашга, улар олдидаги муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш, хўжалик раҳбарларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга катта аҳамият берилаётди.

Уша ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишда давлатимиз раҳбари айтган ушбу гап ҳаммиша ёдимизда: «Барчамиз бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз зарур, тарихнинг қайси даврини олмайлик, хонлар ва амирлар эмас, амалдор-ўралар ва турли-туман текширувчилар эмас, балки ғайрат-шижоатли, ташаббускор ва тadbиркор инсонлар мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва халқ фаровонлигини таъминлаганини кўраимиз».

Ана шундай фазилатга эга бўлган ташаббускор ва тadbиркорлар қаторига мен туманимизнинг кекса отахонларидан бири, Иброҳим Бекманов номли ширкат хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган Раҳимберган ога Нуруллаевни қўшган бўлардим. Унинг фаолияти кўплар учун намуна бўлса арзийди, шу боис бу инсон ва унинг ишлари ҳақида батафсилроқ фикр юритиш учун изн сўрайман.

Раҳимберган оганин фермер хўжалиги 1995 йил август ойида ташкил топди. Аслида ога ундан аввал ҳам 20 йил давомида ер

Фермер хўжалиқлари — тўқинчилик омили

центнердан пахта ва шўнча микродорда галла етиштириб келаётди.

Лекин Раҳимберган ога бу билан қаноатланиб қолмади. У чўл бағридан ер тортиб олишни

Фермер хўжалигининг бошқа баъзи бир кўрсаткичлари ҳақида ҳам айтиб ўтиш лозим деган фикрдаман. Бу ерда йил сайин 20 миллион сўм даромад олинади. Турли болалар ташкилотлари ва муассасаларига, иқтисодий ночор оилаларга 500 минг сўм маблаг хайрия қилинади. «Шўхрат» медали нишондори Раҳимберган ога етмиши қоралаб қолган бўлишига қарамай, ҳали куч-ғайратга тўла, «Фақат ҳаракат қилсанг бас. Ҳаракатда — барокат» дейишни яхши кўради у.

Мен мазкур фермер хўжалиги фаолияти ҳақида бу қадар батафсил гапиришимнинг боиси бор. Яқинда бошқа бир фермернинг иши билан яқиндан танишимди. Қачонлардир бу киши туманда қаттагина лавозимда ишларди. Кейин 15 гектар ер олиб, фермерлик қила бошлади. Бир неча йилдан бери унинг иши дархотлар, шунингдек, узум мевага кирди. Мавсум сайин бу ерда гектаридан 100 центнердан, жами 200 тонна сара мева йиғиб олинапти. Ишни пухта ташкил қилган фермер бундан бир неча йил муқаддам ўз хўжалиги ҳудудида ер ости бункери — улкан музлатгич яратган эди. Йиғиб олинган мева-чевалар 300 тонна ҳажми бўлган музлатгичда йил сайин тоза, мусалф ҳолда сақланади. Фермер бу меваларни консерва заводларига топширади, ортиб қолганларини эса туманимиз аҳолисига арзон нархларда сотади.

Бу ерда иш қай даражада пухта ташкил қилинганлигини куйидаги мисоллардан ҳам яққол билса бўлади. Хўжалиқда фермерларнинг шахсий мулки бўлган 5 та тупроқ суриш трактори, 5 та чопик трактори, 2 та йиғим комбайни, «Белорус» экскаватори, «КамАЗ» машинаси ишлаб турибди. Раҳимберган ога тез йиллар ичида чўлга яна ҳужум бошламоқчи. Бу сафар у 100 гектар ерни ўзлаштиришни ният қилиб қўйган.

Чўл бойлиги

майдонларининг кўпгина қисми кўл ва шўрхок ерлардан иборат бўлган мазкур хўжалиқда меҳнат қилган эди. Лекин фермерлик фаолиятига кенг йўл очилгач, асл деҳқоннинг ғайрат-ташаббуси кенг қўламада намоян бўлди. Раҳимберган ога 13 нафар фарзанди, қўша-қўша набираларини ўз қаноти остига олиб, уларнинг куч-ғайратини янги тузилган фермер хўжалиги ривожига йўналтирди. Ота, ўғил ва набиралар бир ёқадан бош қўшиб ўша кўллار ва захкаш, шўрхок майдонларни ўзлаштиришга киришдилар. Шу мақсадда шахсий жамғармалари ҳисобига ерни ўзлаштириш, унга ишлов бериш техникаларини сотиб олишди. Бир-икки йил мобайнидаёқ сулола 64 гектар майдонни ўзлаштирди. Фермер хўжалиги аъзолари асрлар давомида қақраб ётган оч ерни ўзлаштириш, бойитиш, уни озуқага тўйдиришга алоҳида аҳамият бердилар. Катта қийинчиликлар билан бўлса-да, сув олиб чиқилди.

Кўпчиликнинг ғайрат-шижоати олдида табиат ҳам ён бошига мажбур бўларкан. Бир-икки йил ичидаёқ қадимий чўл бағрида 64 гектар ҳудудда янаёқ ётган кўм-кўк экинзорлар пайдо бўлди. Раҳимберган ака унинг 39 гектариде пахта, 15 гектариде галла етиштири бошлади. Мана, 5 йилдирки, мазкур фермер хўжалиги ҳар йили гектар бошига 40

давом эттирди. Отахон ёшлиғидан боғдорчиликка ихлос қўйганди. Шу мақсадда чўлга кейинги «хужумининг махсули бўлмиш 40 гектар ўзлаштирилган майдонда ажойиб, вилоятда тенги йўқ боғ яратди. Бу кўркам боғнинг 20 гектаридеги олма, ўрик, нок, беҳи ва бошқа мевали дархотлар, шунингдек, узум мевага кирди. Мавсум сайин бу ерда гектаридан 100 центнердан, жами 200 тонна сара мева йиғиб олинапти. Ишни пухта ташкил қилган фермер бундан бир неча йил муқаддам ўз хўжалиги ҳудудида ер ости бункери — улкан музлатгич яратган эди. Йиғиб олинган мева-чевалар 300 тонна ҳажми бўлган музлатгичда йил сайин тоза, мусалф ҳолда сақланади. Фермер бу меваларни консерва заводларига топширади, ортиб қолганларини эса туманимиз аҳолисига арзон нархларда сотади.

Бу ерда иш қай даражада пухта ташкил қилинганлигини куйидаги мисоллардан ҳам яққол билса бўлади. Хўжалиқда фермерларнинг шахсий мулки бўлган 5 та тупроқ суриш трактори, 5 та чопик трактори, 2 та йиғим комбайни, «Белорус» экскаватори, «КамАЗ» машинаси ишлаб турибди. Раҳимберган ога тез йиллар ичида чўлга яна ҳужум бошламоқчи. Бу сафар у 100 гектар ерни ўзлаштиришни ният қилиб қўйган.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида АҚШнинг Марказий Осиёга бегараз ёрдам (SAFE) ташкилоти билан ҳамкорликда болалар кутубхонаси очилди.

БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИ ОЧИЛДИ

SAFE - бегараз ёрдам кўрсатувчи ташкилот бўлиб, унинг бўлими 1992 йилдан бери мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келади. Мазкур ташкилот билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар, асосан, таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги соҳаларига ва, айниқса, меҳрибонлик уйлари кўллаб-қувватлашга қаратилган.

Болалар кутубхонасини очилган мақсад боғча ёшидаги болаларга ва мактаб ўқувчиларига инглиз тилидаги турли мавзулардаги китобларни етказиб беришдан иборат, — деди SAFEнинг кутубхоналар бўйича лойиҳа менежери Эн Диллан. — Бу эса юртингиздаги инглиз тилини пухта эгаллашга аҳд қилган ёшлар учун яхши қулайлик яратди.

ПОЙАБЗАЛ КЎПАЯДИ

Пойабзалларнинг яхшироқ, чидамлироқ ва қулайроқ бўлиши ҳақда «Ўзбеккармпойабзали» уюшмаси раҳбарияти жиддий бош қўтирмакда. Уюшма кўзлаган асосий мақсад - ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва яқин беш йилликда чарм-пойабзал ва тери-галантерея саноати корхоналарини ривожлантириш комплекс дастурини амалга оширишдан иборат. Шу даврда бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини 1,9 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган. Бу импорт ҳажмини саккиз баробар қисқартириш имконини беради. Ҳозирдаёқ махсус бўлинмалар ҳамаше жамғариш ва суний тери ишлаб чиқариш ҳамда ўсимликлардан тайёрланган тери ошловчи моддалар тайёрлаш билан шуғулланмоқда.

Бугунги кунда тармокнинг мунтазам ишлашини йўлга қўйишда Австрия, Польша, Франция ва Корея билан ҳамкорлик қилинмоқда. Бу мамлакатлардан ускуна ва технологиялар келтирилмоқда. Улар Тошкент, Фарғона, Бўхоро ва бошқа ҳудудларда, ҳамаше манбаларига яқин жойларда жойлаштирилмоқда. 2001-2005 йилларда пойабзал ва чарм-галантерея корхоналарини қайта жиҳозлаш, сифат кўрсаткичларини ошириш мамлакатимиз бўйича 1,5 миллион АҚШ долларидан орტიқ маблагни тежаш ва маҳсулот экспорт қилиш имконини беради.

(ЎЗА).

Касаба уюшма талабчан бўлган жойда бригадалар бошлиқлари ўз вазифасига тикланди

Жумабой Қозоқов туман прокурори қабулида бўлиб ҳол-аҳвол сўрашга, муддаого ўтди:

— Айрим ширкат хўжалиқлари, ташкилотлар жамоа аъзоларига маошларни ўз вақтида беришмаяпти. Ойлик маошдан қарздорлик асосанот мажмуи тармоғида 115,5 миллион сўмга етиб қолди. Айрим раҳбарлар иш ҳақи учун ажратилган маблаглардан бошқа мақсадларда фойдаланишяпти.

— Шуларни батафсил ёзиб берсангиз, — деди прокурор.

Туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси мувофиқлаштириш кенгаши раиси прокурор хонасида мамнун ҳолда чиқди. Август ойининг бошлари эди ўшанда. Ойлик маошларни ўз вақтида бериётган раҳбарлар эртасига прокуратурага қақирлиди. Шундан кейин қарзларни узиш муддати белгиланди. Орадан бир ой ўтгач, қарздан 30 миллион сўми қолди. Октябр ойига қолмай қарз бутунлай узиб бўлинди.

Ўтган йили тумандаги «Деҳқонobod» ширкат хўжалигининг олти нафар бригадалар бошлиғи ишдан нотўғри бўшатилганликлари ҳақида туман касаба Қўмитасига мурожаат қилишганди. Касабақўм раиси ишни обдон ўрганиб чиқиб, улар вазифаларидан ноҳақ бўшатилганлигини аниқлади. Бригада бошлиқлари ўз иш жойларига тиклангунга қадар сазй-ҳаракатни бўшаштирмади. Ва, ниҳоят, адолат қарор топди. Бу билан у касаба уюшмалари меҳнатқашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳақиқий ҳимоячиси эканлигини кўрсатди. Касабақўм раисининг қабулига кирган ширкат хўжалигида фарош бўлиб ишловчи кўп болали Тозагул Болтаева ойлик маошини кўпайтиришда ёрдам беришини ил-

тимос қилди. Касабақўм аралашуви билан унинг маоши икки баравар оширилди... Бунга ўхшаш мисолларни Турлан тумани агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси мувофиқлаштириш Кенгаши фаолиятдан кўллаб келтириш мумкин.

Касабақўмнинг 27 та бошланғич ташкилотиде 19491 нафар аъзо бор. Улар зарурат туғилганда ариза-шикоятлар билан мурожаат қилиб, қоникарли жавоб олмақдалар.

Тармок касаба уюшмаси йил бошиданок кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, етим-есир оилаларга ярим миллион сўмлик моддий ёрдам берди. Марвўз байрами тadbирларини ўтказишга 3 миллион сўм сарф қилди. Бундан ташқари уруш ва меҳнат фахрийлари, ногирон, кам даромадли оилалар ҳолидан хабар олиб турилибди.

Мамлакатимиз Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш ва қурғоқчилик оқибатларини бартараф этиш юзасидан чиқарган фармони бўйича юзга яқин кам даромадли, боқувчисини йўқотган аёллар республикамизнинг сўлим сихатҳоҳлариде дам олдилар. Бундан ташқари 86 нафар киши вилоят оромҳоҳларида даволандилар. Тумандаги «Дўстлик», «Ёшлик», «Шодлик», «Обод» болалар оромҳоҳларида агросаноат мажмуи ходимлари фарзандларидан 1000 нафардан ортиги мазмуни хордик чиқарди. Қўмита хўжалиқлар ва ташкилотлар билан жамоа шартномалари ва иккита тармок келишувини имзолаб, ишчи-хизматчилар учун белгиланган 53 миллион сўмлик имтиёзлардан оқилана фойдаланмоқда.

Эркин ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

КОЛЛЕЖДА ДВИГАТЕЛЬ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Самарқанддаги саноат-иқтисод коллежиде таълим жараёнлари бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилмоқда. Бу ерда кўргазмали курул сифатида фойдаланишга мўлжалланган энгил автомобиль двигателларини тайёрлаш йўлга қўйилгани коллежнинг имкониятини янада кенгайтди. Бундай ташаббус ўқув муассасаси директори Қўзайиб Мамараҳимов Жанубий Корея сафарига бориб келгач юзага келди.

Корея сафари бизда катта таассурот қолдирди, — дейди Қ.Мамараҳимов. — Бир ҳафта мобайнида у ердаги университет ҳамда коллежлар шароити билан танишдик. Шу жараёнда техник коллежлардаги ўқитиш-ўқитиш услублари эътиборимизни тортиди. Талабалар энг замонавий компьютер ҳамда тренажёрлардан фойдаланар экан. Назарий ва амалий машғулотлар аралаш олиб борилади. Коллежлар саноат корхоналарига бириктирилган ва уларнинг ўзларида ҳам ишлаб чиқариш шехлари мавжуд. Сеуддаги саноат коллежиде электроника ва музлатгич ишлаб чиқарувчи заводларга оддий жиҳозлар тайёрлаб бериш йўлга қўйилган экан. Ундан тўшадиган маблаг талабаларга стипендия қилиб берилади. Хар қайси талаба ҳамида иккита мутахассисликка эга бўлади.

Тегу шаҳридаги автомобиллар учун тренажёрлар тайёрловчи корхонада ҳам бўлдик. Мазкур корхонадаги иш жараёнини ўрганиб, коллежимизда кичик корхона ташкил этиш фикри туғилди. Олдин коллежимизда темир-терсакарларни қайта ишлайдиган цех мавжуд эди. Унда лифтозлик ва музлатгич чиқарувчи заводларга кичик деталлар талабалар қўли билан ясаб бериладди. Эндиликда цехдаги ускуналар янгиланди. Коллежлар учун кўргазма курул сифатида автомобиль двигателларини тайёрлаш жиҳзин бошлаб юборилди. Бунинг учун асосан устоналардан, гаражлардан йиғиб келинаётган металл парчаларидан кенг фойдаланилмоқда.

(ЎЗА).



Бозор иқтисодиёти тамойиллари, эркин иқтисодий фаолият қўлларни кенгайтиб борган сайин қонун устуворлигига, ҳуқуқ ва бурчларимизни теранроқ англашга эҳтиёж ортиб бораверади. Бунда мутахассиснинг маслаҳати, йўл-йўриғи жуда муҳимдир. Бунини инобатга олиб, мухбиримиз куйи бўғинлардаги юридик хизматнинг ташкил этилиши хусусида Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Х.Файзиёв билан сўхбатлашди.

— Корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган ҳуқуқий маслаҳатчилар зиммасига қандай вазифалар юклатилган?

— Аввало бундай лавозимни жорий қилиш зарурияти нега пайдо бўлди? Тоталитар тузум даврида барча ишлар «юқорининг» кўрсатмаси, монопол корхоналарнинг эҳтиёжига мувофиқ амалга оширилган эди. Оддийроқ қилиб айтганда, одамлардан бурчни бажариш талаб қилинарди-ю, лекин ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқариш унутиб қўйиларди. Мустақиллик йилларидагина инсон, шахс ҳуқуқларини тўла қафолатлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш асосий вазифалар қилиб белгиланди. Бунга осонликча эришиб бўлмайди, албатта. Аввало ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ҳар бир кишида қонунларга риоя қилиш эҳтиёжини уғотиш керак эди. Барча давлат идоралари, корхо-

на ва ташкилотлар фаолияти, улар ўртасидаги турли-туман муносабатлар қонунлар доирасида бўлишига эришиш талаб этиларди.

Мазкур мақсад Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури»да аниқ баён қилинган: «Юқсак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим этилишининг ифодасидир». Жойлардаги ҳуқуқий маслаҳатчилар зиммасига мақсадларга йўналтирилган. Бинобарин, ҳозирги босқичда юридик хизматнинг аҳамияти жуда катта, зеро жамиятимизда ҳануз-қонунбузарликларга йўл қўйилаётгани, айрим мансабдор шахслар фуқароларнинг ҳуқуқларини камситяётганлиги сир эмас. Бу ҳуқуқий саводхонликнинг аҳамияти, ҳуқуқий маданият даражаси пастиглининг оқибатидир. Агар ҳуқуқий маслаҳатчи ўз

ни хон, қўланқасини майдон» чоғлайдиган раҳбарлар ҳар ишда қонунийлик бўлишини талаб қиладиган ҳуқуқшуносларга йўл беришмайди. Аксинча, ўзларининг измидан чиқмайди, билими пастрок, баъзан хатто ихтисоси тўғри келмайдиган ходимни бу лавозимга тайинлаб қўйишади.

Вилоят адлия бошқармаси «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури»да белгиланган мақсадларни рўёбга чиқариш, «Давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик

хизмат тўғрисидаги Низом» талабларини бажариш борасида бир қатор тadbирларни амалга оширмакда. Бироқ, ҳали муаммолар кўп. Жумладан, Нуробод туман ҳокимлигида ҳуқуқшунос маслаҳатчи лавозими ҳамон бўш турибди. Вилоятдаги учта йирик хўжалик субъектларида бу лавозимга ихтисоси тўғри келмайдиган кишилар қабул қилинган. Ўнлаб ҳуқуқий маслаҳатчиларнинг фаолияти Низом талабларига жавоб берайди. Кўпгина корхоналарда ҳуқуқий маслаҳатчи лавозими жорий қилинган бўлса-да, уларга шароит

яратиб берилмаган. На алоҳида хона, на ҳуқуқий ва на меъерий ҳужжатлар билан таъминланган. Мазкур лавозим соҳибларига уларнинг ҳуқуқий фаолиятига дахлдор бўлмаган юмушлар топшириб қўйилган. Мавжуд қонун бузилиши ҳолларини бартараф этиш ҳақида вилоят адлия бошқармаси тегишли идораларга тақдимномалар киритди.

— Ҳуқуқий маслаҳатчилар фаолиятининг, аниқроғи, фаолиятсизлигининг оқибатлари ҳақида гапириш мумкинми? Юридик хизмат

га иқтисодий, маънавий жиҳатдан баҳо бериб бўладими? — Албатта. Ҳуқуқий маслаҳатчининг асосий вазифаси иқтисодий-хўжалик фаолиятида, меҳнат муносабатларида қонунийликни таъминлашдир. Акс ҳолда жиддий муаммолар пайдо бўлади. Келинг, бу хусусда кенгроқ фикр юртайлик. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, турли мулкчилик шаклидаги тузилмаларнинг пайдо бўлиши, чет эл компанияларини билан иқтисодий алоқалар ўрнатилиши, хуллас, эркин иқтисо-

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЧИ

Жойларда унга муносабат масалалари

хизмат тўғрисидаги Низом» талабларини бажариш борасида бир қатор тadbирларни амалга оширмакда. Бироқ, ҳали муаммолар кўп. Жумладан, Нуробод туман ҳокимлигида ҳуқуқшунос маслаҳатчи лавозими ҳамон бўш турибди. Вилоятдаги учта йирик хўжалик субъектларида бу лавозимга ихтисоси тўғри келмайдиган кишилар қабул қилинган. Ўнлаб ҳуқуқий маслаҳатчиларнинг фаолияти Низом талабларига жавоб берайди. Кўпгина корхоналарда ҳуқуқий маслаҳатчи лавозими жорий қилинган бўлса-да, уларга шароит

Муаммо, мулоҳаза, таклиф

Яна бир гап. Касаба уюшмаларига ҳам меҳнат муносабатларида қонун бузилиш ҳолларига оид юзлаб шикоятлар тушади. Бу масалаларнинг 60-70 фоизи жойларда ҳал қилиниши мумкин. Афсуски, юридик хизматнинг талаб даражасида эмаслиги бу борада панд бераёпти. Ўз фаолиятининг мақсадига йўл бўлгани учун касаба уюшмалари ҳам жойларда юридик хизматни таркомлаштиришга баҳоли-қудрат ҳисса қўишларини истардим.

— Бир сўз билан айтганда, куйи бўғинларда ҳуқуқий маслаҳатчилар фаолиятини талаб даражасига кўтариш учун уларнинг малакасини ошириш, билимларини бойитиш керак, демократик-чинос-да...

— Вилоят адлия бошқармаси ҳуқуқий-профилактик нукта назардан анчагина тadbирлар ўтказаяпти. Хусусан, мансабдор шахслар, юридик хизмат ходимлари иштирокида ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Бироқ, бу етарли эмас. Ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлайдиган билим юрталаридаги машғулотларда айна шу соҳага оид билимлар чуқурроқ ўргатилиши керак, деб ўйлаймиз.

Сўхбатдош:
Р. ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.



«НАВОИЙ ОЗАРБОЙЖОНДА»

Бокуда Озарбойжон Республикаси Фанлар академияси Кўлэмалар институти катта илмий ходими, филология фанлари доктори Жаннат Нагиеванинг «Навоий Озарбойжонда» китоби нашрдан чиқди.

Озар тилида чоп этилган мазкур китоб Алишер Навоийнинг Низомийга бағишланган мисралари билан бошланади. Сўнгра унда Навоий асарлари кўлэмаларининг Озарбойжонда тарқалиши, шоир шеърларининг манбалари, XV-XIX асрларда Навоий ва озарбойжон адабиёти, Алишер Навоий ва Кишварий, Навоий ва Фузулий, Навоий ва Содиқ Китобдорий ўртасидаги ижодий алоқалар, Навоий ижодининг Озарбойжонда ўрганилиши тарихи масалалари муфассал ёритилган.

Китобга, шунингдек, Озарбойжон

адибларининг буюк ўзбек шоири ва мутафаккири ижоди ҳақидаги адабий мулоҳазалари ва қардош озар шоирлари томонидан Навоий газалларига боғланган тахмислар илова қилинган.

Китоб машҳур озарбойжон олимаси Жаннат Нагиеванинг Навоий ижодига бағишланган тўртинчи асаридир. Бундан аввал олиманинг Тошкент ва Бокудаги нашриётларда «Навоий ва ижод сабоқлари», «Алишер Навоийнинг Боку кўлэмалари», «Алишер Навоий ва Озарбойжон адабиёти» каби рисоалари ўзбек, озар ва рус тилларида чоп этилган.

Шунингдек, Жаннат Нагиева «Озар - ўзбек ижодий алоқалари саҳифалари» мавзудаги китобнинг ҳам муаллифидир.

(ЎЗА).

«Авесто»нинг 2700 йиллигига

Бу йил мамлакатимизда инсониятнинг буюк маънавият дурдонаси - «Авесто» китобининг 2700 йиллигини кенг нишонлашга кизгин ҳозирлик кўрилмақда. Хусусан, яқинда «Авесто» илк бор ўзбек тилида нашр этилди.

БУЮК ОБИДАНИНГ ЎЗБЕКЧА НАШРИ

- ЮНЕСКО ва мамлакатимиз ҳукумати қарорларига мувофиқ «Авесто»нинг 2700 йиллиги кенг нишонлаши улкан маънавий-илмий воқеадир, дейди асар таржимони, профессор Мирсодиқ ИСХОҚОВ. - Аввало, юзлаб мол терисига битилган ушбу нодир асар бир замонлар Искандар Зулқарнайн қўшинлари томонидан ёқиб юборилганини таъкидлаш керак. Бироқ у бутунлай йўқ бўлиб кетмади. Аждодларимиз хотирасида сақланиб қолган «Авесто» кейинчалик қайтадан тикланди. Таржима ана шу нусха асосида амалга оширилди. Бу қисмлар -

«Видевдат», «Яшт», «Ясна», «Виспарат» китобларидир.

У аждодларимиз теран тафаккур, юксак маънавият, нафис бадий мушоҳада, кенг дунёқараш соҳиби бўлганлигидан далолат беради. Бу қадимий давлатлар ҳар қандай жамият ҳаётида, ҳар бир даврда долзарб ва аҳамиятлидир. Эътиқод, садоқат, ҳушёрлик, маънавий поклик ва юксак ахлоқ бу китобда инсонга хос гўзал фазилатлар сифатида улуғланади.

Таржима асосида китобдаги кўплаб қадимий тусунчаларга изоҳлар ҳам берилган.

Элбек Холиқов.

«АРАБ ТАНГОСИ»

Тошкент Давлат мусиқали комедия театри элимизнинг суюкли хонандаси, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров хотирасига бағишлаб «Араб тангоси» спектакли томошабинларга тақдим этди.

Сухроб Муҳамедов ҳамда Микаэл Ҳачатуровлар қаламига мансуб мазкур саҳна асаридан хонанданинг ҳаёти, ижоди, санъат йўлидаги интилишлари, орзу-ўйлари хотиралари унинг гўзал кўшиқлари орқали ёрқин ифодалаб берилган.

Маълумки, Ботир Зокировнинг миллий эстрада санъатини шаклланиши, равнақи ва хоризждаги дастлабки эътирофи йўлида қилган хизматлари улкандир. Хусусан, у мамлакатимиздаги илк эстрада дастасини ташкил этишга муваффақ бўлган. Санъаткорнинг «Раъно», «Мафун бўлдим», «Газли гўзали» сингари кўплаб кўшиқлари халқимизнинг бебаҳо мусиқий меросига айланган. «Араб тангоси»ни эса хонанда ижодининг юксак чўққиси дейиш мумкин. Таникли хонанда, шунингдек, моҳир мусаввир сифатида ҳам муҳлислар меҳрини қозонган. Санъаткорнинг серқирра ижоди мустақиллик йилларида юксак қадр топди. 2000 йилда Ботир Зокиров Президентимиз Фармонига мувофиқ «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

(ЎЗА).

Теннис

ИРОДАНИНГ ЯНА БИР ҒАЛАБАСИ

Умидли теннисчимиз Ирода Тўлаганова Швейцариянинг Цюрих шаҳрида ўтказилаётган Аёллар теннис ассоциациясининг биринчи тоифали мусобақасида иштирок этмоқда. Ҳамюртимиз мукофот жағғармаси 1 миллион 185 минг АҚШ долларини ташкил этган ушбу нуфузли турнирдаги дастлабки учрашувни россиялик таникли теннисчи Лина Красноручкага қарши ўтказди. Учрашув 6:4, 6:1 ҳисобида Ирода Тўлаганова

ва фойдасига ҳал бўлди. Бу икки ракетка устаси шу кунгача уч маротаба ўзаро куч синашган. Икки учрашувда Ирода Тўлаганова ғалаба қозонган бўлса, АҚШ очик чемпионатида Лина Красноручканинг кўли баланд келган эди. Тўртинчи учрашувда эса И.Тўлаганова рақибасидан анча кучли эканини яна бир бор исботлади.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ, (ЎЗА)

ТАСИС ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

Ўзбекистон Миллий университетида магистр кадрлар тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда. Ўтган ўқув йилининг ўзида биргина иқтисод факультетининг «Иқтисодий назария», «Минтақавий иқтисодиёт», «Халқаро иқтисодий муносабатлар» мутахассислиги магистратуралари очилган эди. Янги 2001-2002 ўқув йилида эса университет яна тўрт йўналишдаги янги ТАСИС лойиҳасининг «Евроосиё» дастури билан ҳамкорликда йўлга қўйилган бу таълимий жараёнда халқаро ҳуқуқ, халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро алоқалар ва жаҳон тарихи мутахассисликлари тайёрланади. Улар инглиз ва немис тилларини ҳам пухта ўзлаштирадилар.

Мазкур йўналишдаги магистратураларни ташкил этишда Буюк Британиядаги Экзетер, Германиядаги Бильефонд, Белгиядаги Гент университетлари билан ҳамкорлик қилинди. Булажак магистрантлар ана шу хорижий олий ўқув юрталарида олти ойлик стажировкада ҳам бўлишади.

А.АКБАРОВ.



Бухоро вилоят илмий кутубхонаси энг йирик ва бой эрта масканларидан бири саналади. Бу ерда турли касб ҳамда ёшдаги китобхонларга юксак даражада хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Адабиёт ва санъат намоёндалари билан учрашувлар, турли-туман кўргазмалар, китоб байрам-

ларини ўтказиш яхши аънаанага айланган. Дарвоқе, ибн Сино номи билан аталувчи маърифат маскани яқинда ўзининг 80 йиллик тўйини нишонлади.

Суратда: кутубхоначи Наргиза Рашидова.

Тасвирий санъат

Мутафаккир Алишер Навоий ўзи чизган «Занжирбанд шер» расмида адолат кишанлаб қўйилган ҳолатни шер тимсолида рўй-рост тасвирлаганди. Минияторачи мусаввирлар — Камолитдин Бехоза, Махмуд Музаҳҳиб, Мухаммад Мурод Самарқандийлар ҳам айни шу мавзуда бир қанча асарлар яратган. Айниқса, Мухаммад Мурод Самарқандийнинг «Кўзғолон» миниатюраси (1556 йил) киши диққатини тортади. «Шоҳнома» достони асосида яратилган ушбу етук тасвирий санъат намунасида адолат учун курашган халқ қаҳрамонлари — Рустам ва Сиёвушлар қиёфаларини кўриш мумкин.

Айтиш мумкинки, чор Россияси босқинидан сўнг бу мавзуда ана бир қанча йирик асарлар пайдо бўлди. Бевоқиф халқ ҳаётини кузатиш асосида кўрган-билганларини айтиб, кўрган-билганларидан хикоя қилиб берган-дир. Орадан йиллар ўтди. Санъат музейида ишларканман, 1985 йилда таникли таъмир устаси Абдулла ака Йўлдошев устахонасида шу асарни кўриб қолдим. Берилиб томоша қиларканман, Абдулла ака: «Кўрдингизми, мана

бу шикастланган жойларини? Қаровсиз қолганидан, бўёқлари моғор босиб тасвирлари ҳам кўринмай қолибди. Яхшиям сифатли ишланган. Бундан чамаси, ўн йилча аввал мен қирққа яқин ранг тасвирларни таъмирлаб берган-дим. Афсус, ўшанда бунга кўрмаган эканман», деди-да, асарга маъюсона термулиб.

Бир ҳафтадан сўнг таъмирлаш хонасига кирсам, Абдулла ака ранг тасвирини ёғоч супа устига ёзиб, сифатсиз бўёқларини жарроҳлик пичоғи билан авайлаб кўчиратганига гувоҳ бўлдим. Уч ҳафтадан ўтган эса уни бир қўлда бўёқдон, бирида мўйқалам билан «жароҳатланган» жойларга малҳам қўяётганини устидан чиқдим. Орадан унча кўп вақт

ўтмади. Асар чорчўпга тараф тортилиб, лок берилган рўпарамда халқимиз ўтмишидан хикоя қилувчи ранг тасвир пайдо бўлди. Тасвирларда ҳеч қандай ошиқчалик йўқ, барчаси ҳаётий. Бу расомнинг хотираси, тасаввур, қолаверса, юксак маҳорати ҳосиласи, албатта. Ўз-ўзидан маълумки, бу уч нафар гуноҳкор ўғри ёки фарибгар эмас. Аксинча, адолат, ҳақиқат учун курашган, халқ дурди билан яшаб келган инсонлар...

Музейларда ўтмишдан хикоя қилувчи нодир тасвирий санъат намуналарини кўплаб топилади. Булар тарих. Тарихни эса ҳеч қандай ўзгариш, бузиб ёзиш, тасвирлашга ҳаққи йўқ. У қандай бўлса шундайлигича сақланиб, келажақ авлодга етиб бориши керак.

Махмуд АХМАДИЙ, санъатшунос.

НОДИР НАМУНАЛАР

нади. Шунингдек, В.Верещагин ўзи ёзиб қолдирган маълумотларда асарни яратиш жараёнида зиндон ичига тушиб, данди қилинганлар билан суҳбатлашганини айтди. Шу билан бирга, мамлакатимизда яшаб ижод қилган рус расомларидан И.Казаконинг «Оллоҳ икhtiёрида», В.Рождественскийнинг «1916 йилги кўзғолон», «Сув учун ку-

раш» асарларида ҳам халқимизнинг мустанлақчилиги давридаги аянчли ҳаёти, мустабид тузум шартсизликлари тасвирланган. ...Болагимда «Ўзбекистон тарихи» музейига борганимда расом Леонид Бурэнинг «Бухорода уч кишининг қатл этилиши» (1936 йил) картинасини томоша қилиб, асар

қаршида узок ўйга толгандим. Отам эса менга бу ҳақиқий воқеа эканлигини айтиб, кўрган-билганларидан хикоя қилиб берган-дир. Орадан йиллар ўтди. Санъат музейида ишларканман, 1985 йилда таникли таъмир устаси Абдулла ака Йўлдошев устахонасида шу асарни кўриб қолдим. Берилиб томоша қиларканман, Абдулла ака: «Кўрдингизми, мана

ГРАНТ АЖРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси китоб нашрларини босмага тайёрлаш бўйича ҳам кўплаб грантлар ажратмоқда. Буни Тошкент давлат Шарқшунослик институти илмий гуруҳларига берилган маблағлар мисолида кўриш мумкин.

Олий ўқув юрти олимлари томонидан олиб борилаётган Ўрта Осиё маданияти ва та-

«КОСКОМ» МАДАДИ

Тошкент электротехника алоқа институтида алоҳи ва иқтидорли талабалар кўп. Уларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш йўлида қўрилаётган тадбирлар ҳам эътиборни ўзига тортади.

Энг яхши толиби илмларни моддий рағбатлантириш мақсадида олий ўқув юртида электротехника ва радиотехника илмий жамияти, республика алоқачилари касбаби уюшмаси махсус моддий мадади ҳам таъсис этилди.

А.СОЛИЕВ.

Ўзбекистон савдо, умумий овуқланиши, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Қўмитаси Қашқадарё вилоят тармоқ касабаси уюшмаси қўмитасининг раиси Исмаилов Бозоровга ораси

Мукаддас ТЎХТАЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ҲАММАСИНИ БОШИДАН

Уммон жамоасига бой берилган ўйин (ҳисоб — 2:4) умидларни йўққа чиқарди



БОШЛАШ КЕРАК

Йўқ, тренерага таъна тошлари отмоқчи эмасмиз. Чунки, барибир энди фойдасиз.

Масала ечимининг энг чигал тугунларини ички чемпионатимиздан исломимиз лозимга ўхшайди. Бу ҳақда шу дамгача кўплаб, баъзан бир-бирига қарама-қарши фикрлар айтилди. Аммо уларнинг моҳияти битта: олий лигада, шунингдек, биринчи лигада ҳам кескин қисқартиришлар қилиш керак. Оз бўлсин, саз бўлсин!

Бу ерда гап мавжуд жамоаларга сарфланадиган маблағда ҳам эмас. (Гарчанд бу муҳим жиҳат). Гап ўйинлар савияси ҳақида кетмоқда. Сабаб-ки, бир қанча етакчи командаларни истисно қилганда, стадионни тўлдириб ўтиришга аризулиқ ўйинлар кам. Биз бу ҳақда аввал ҳам айтганмиз. Олий лигада узогри билан 10-12 та жамоа қатнашса кифоя. Майли, биринчи лигада 16 та бўлсин, бошқа гуруҳлар

ўтиш турнири ташкил қилиш мақсада мувофиқдир. Хоҳланг иккита, хоҳланг тўртта клуб олий лигадан жой олсин. Энг муҳими, бу қисқартиш тренерларга команда билан ўтказадиган машғулотларини мазмунан бойитишга ҳам хизмат қилади.

Иккинчи муаммо, бу футбол селекционерлари масаласидир. Нега фалон футболчини фалончи топилди, деган гапларни эшитмаймиз. Ахир, бугун Европа майдонларида ҳаракат қилаётган чарм тўп усталарининг талай қисми ана шу захматкаш селекционерларнинг олиб-югуриши тўғрисида ҳақда этилган-ку! Лоақал дунё футболни ёрқин юлдузи, ўз пайтида маҳорат бобида ҳатто афсонавий

«В» гуруҳидаги вазият

Жамоалар	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Хитой	7	6	1	0	13-1	19
2. БАА	7	3	1	3	8-9	10
3. Қатар	8	2	3	3	10-10	9
4. Ўзбекистон	7	2	1	4	12-14	7
5. Уммон	7	1	2	4	5-14	5

З.РИХСИЕВ.

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Жория Алимуҳаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топширилган вақти - 21.00
Топширилди 01.10

Маънавий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона маънавий: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.